



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
кеలాжаги
буюк
давлат

2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 14 август, № 171 (7951)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик! СПОРТЧИ ВА МУРАББИЙЛАРГА ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 13 август кuni XXXII ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этган спортчи ва мураббийлар билан учрашди.

Тадбирда Миллий олимпия қўмитаси ва спорт федерациялари раҳбарлари, спортчиларнинг ота-оналари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам қатнашди.

Давлатимиз раҳбари барчани Ўзбекистон миллий терма жамоасининг улкан ғалабаси билан табриклади. Маълумки, ушбу Олимпия ўйинлари 23 июлдан

8 августгача Япония пойтахти Токио шаҳрида бўлиб ўтди. Унда 17 та спорт тури бўйича 71 нафар вакилимиз қатнашди. Бу юртимиз спорти тарихидаги энг юқори кўрсаткичдир.

Аввалдан ҳам, мусобақа пайтида ҳам спортчи ва мураббийларга керакли шароитлар яратиб берилди. Улар 3 та олтин ва 2 та бронза медални

қўлга киритиб, 200 дан зиёд давлатлар орасида умумжамоа ҳисобида 32-ўринни эгалладилар. Шу тариқа, мамлакатимиз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида иккинчи, Марказий Осиёда эса биринчи ўрин бўлди. Шунингдек, атлетларимиз 3 та Олимпия рекордини янгилаб, жаҳон спорти тарихида ёрқин саҳифа очди.

Жамоамизга ilk олтин медални 19 ёшли таэквондочи Улугбек Рашитов келтирди. У бундай муваффақиятга эришган юртимиздаги энг ёш спортчи бўлди. Оғир атлетикачи Акбар Жўраев умумий ҳисобда 430 килограмм тош кўтариб, Олимпия рекордини ўрнатди ва Ватанимизга иккинчи олтин медални келтирди.

Моҳир боксчи Баҳодир Жалолов, Президентимизга берган ваъдасининг устидан чиқиб, энг оғир вазн тоифасида Олимпия ўйинлари ғолиби бўлди.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

АЗМУ ШИЖОАТЛИ, ВАТАНПАРВАР СПОРТЧИ ЁШЛАРИМИЗ – ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ, МИЛЛАТИМИЗНИНГ «ОЛТИН ФОНДИ»ДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Токиода бўлиб ўтган XXXII ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этган Ўзбекистон спорт делегацияси вакиллари билан учрашувдаги нутқи

Ассалому алайкум, азиз дўстлар!
Қадрли олимпиячилар, ғолиб ва совриндорлар!

Муҳтарам ота-оналар, устоз ва мураббийлар!

Аввало, сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни Ўзбекистон миллий терма жамоасининг Олимпия ўйинларида қўлга киритган улкан, том маънода тарихий ғалабаси билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Албатта, барчамиз дунёдаги энг нуфузли ана шу мусобақаларда Ўзбекистон вакилларининг ҳар бир чиқишини "ойнаи жаҳон" орқали катта қизиқиш ва ҳаяжон билан кузатиб бордик.

Ўз навбатида, мард ва жасур спортчиларимиз ҳам бундай юксак ишончни оқлаб, халқимизга ёрқин ғалабаларни тортиқ этдилар. Ҳеч шубҳасиз, бу Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллик шонли байрамига муносиб совға бўлди.

Олимпиадада спортчиларимиз юксак шохсупаларга кўтарилиб, 3 та олтин ва 2 та бронза медални қўлга киритдилар. Ҳаммамизга аёнки, халқаро олимпия ўйинларида Ер юзининг энг зўр, манаман деган спорт усталари иштирок этади.

Буюк Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, шерга қарши шердек курашиш, жанг қилиш керак.

Сизлар дунё тан олган спортчилар билан мардона олишиб, уларнинг ўзини ҳам, улар эришган натижаларни ҳам ортда қолдириб, 3 та Олимпия рекордини янгилаб, жаҳон спортида ҳам ёрқин саҳифа очдингиз.

Мамлакатимиз жамоаси 200 дан зиёд давлатдан келган энг кучли спортчилар орасида умумжамоа ҳисобида — ўттиз иккинчи, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида — иккинчи, Марказий Осиёда эса — биринчи ўринни эгаллади. Бу, чиндан ҳам, ўзбек спорти тарихидаги улкан натижадир.

Ғолиб фарзандларимиз шаънига мадҳиямиз янграб, Ватанимиз байроғи баланд кўтарилган дамларда барчамизнинг қалбларимиз чексиз ғурурга тўлди.

Бугунги тантанали маросимда иштирок этаётган қўлларимиз — Токио Олимпиадаси ғолиблари ҳақида ҳар қанча фахрланиб гапирсак арзийди, албатта.

Жамоамизга ilk олтин медални тақдим этган 19 ёшли спортчимиз, таэквондо устаси Улугбек Рашидовга ва унинг давраимизда иштирок этаётган ҳурматли отаси Исмаиλλα Рашидов ҳамда онаси Оксана Даниленкога эл-юртимиз номидан ташаккур билдирамиз.

Улугбек Ўзбекистон тарихида Олимпия олтин медални қўлга киритган энг ёш спортчи сифатида ном қозонди.

Маҳоратли полковнимиз Акбар Жўраевнинг умумий ҳисобда 430 килограммлик

маррани эгаллаб, Олимпия рекордини ўрнатгани ва иккинчи олтин медални қўлга киритгани барчамизга улкан қувонч бағишлади.

Мана шундай мард ва пахлавон йигитни тарбиялаган Акбаржоннинг онаси Норматова Ҳафизахон синглимизга самимий раҳматимизни айтаман.

Алломишлар юрти — Сурхон заминидан туғилган енгилмас спортчимиз Баҳодир Жалоловни ҳаммамиз яхши биламиз. Исми жисмига мос бу азамат йигит ва унинг меҳрибон онаси Сабоҳат Жалоловани барчамиз қизгин қўтлаймиз.

Мен улар билан аввал ҳам учрашиб, самимий суҳбатлашганимни ҳамиша

яхши таассуротлар билан эслайман.

Истеъдодли боксчимиз ўтган вақт давомидида ўз устиди тинимсиз ишлаб, ёшларга намуна бўлди. Баҳодир азиз онасига, халқимизга берган ваъдасининг устидан чиқиб, Ватанимизга учинчи олтин медални тухфа қилди. Шу тариқа ўзбек бокс мактабининг шон-шувратини янада юксак босқичга олиб чиқди.

Миллий дзюдо мактабимизнинг забардаст вакили Давлат Бобонов ва маҳоратли эркин курашчимиз Бекзод Абдурахмоновни кескин беллашувларда бронза медалларини қўлга киритганлари билан қўтлаймиз.

(Давоми 2-бетда).

ЯНГИ БОҒДА ИШ ҚИЗҒИН ДАВОМ ЭТМОҚДА

Президент Шавкат Мирзиёев 13 август кuni «Янги Ўзбекистон» боғида олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини кўздан кечирди.

Боғда манзарали дарахтлар ва гуллар экилиб, сўлим ҳудудлаш ишлари давом эттирилмоқда. Унда Ўзбекистоннинг 3 минг йиллик тарихи, аждодларимизнинг буюк мероси, халқимизнинг миллий қадриятлари ўз ифодасини топади.

Президентимиз ушбу мажмуадан ўрин оладиган барельеф ва безак намуналари билан танишди. Мутасадди ва қурувчиларга ўз тавсияларини берди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ТОКИО ШАҲРИДА БЎЛИБ ЎТГАН XXXII ЁЗГИ ОЛИМПИА ЎЙИНЛАРИДА ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРГА ЭРИШГАН СПОРТЧИ ВА МУРАББИЙЛАРДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони билан

Джўраев Акбар Хуснидилла ўғли — Оғир атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Рашитов Улугбек Исмаилов ўғли — Таэквондо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвони билан

Абдурахмонов Бекзод Махаммаджонович — Эркин кураш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси
Бобонов Давлат Хусниддин ўғли — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози» фахрий унвони билан

Абдурахмонов Музаффар Махаммаджонович — Эркин кураш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийси
Кабинов Истам Ашурович — Бухоро вилояти Когон шаҳар болалар ва ўсмирлар спорт мактаби бокс бўйича мураббийси

Қиличев Фаррух Комилович — Тошкент вилояти Чирчиқ ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернати бокс бўлими бош мураббийси

Қобулов Нурали Ўктамович — Дзюдо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийси

Мирзаджанов Фарход Мирхамитович — Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси оғир атлетика бўйича мураббийси

Расулов Элшод Юнусович — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийси

Хан Павел Афанасьевич — Таэквондо бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси мураббийси

Чусовитина Оксана Александровна — Гимнастика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Зоиров Шаҳобидин Шокирович — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

(Давоми 2-бетда).

Халқ сўзи

АЗМУ ШИЖОАТЛИ, ВАТАНПАРВАР СПОРТЧИ ЁШЛАРИМИЗ — ЭНГ КАТТА БОЙЛИГИМИЗ, МИЛЛАТИМИЗНИНГ «ОЛТИН ФОНДИ»ДИР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Бугун даврамизда Давлатжоннинг ота-онаси Хусниддин ака ва Нурияхон опа, Бекзоджоннинг отаси Муҳаммаджон Абдурахмонов ва онаси Мухаббатхон иштирок этишяпти.

Мана шундай ботир ўғлонларни тарбиялаб вояга етказгани учун уларнинг ота-оналари ва устозларига чин юракдан ташаккур изхор этамиз.

Томирларида Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Пахлавон Махмуд, Захириддин Бобур каби буюк аждодларимизнинг куч-ғайрати жуш уриб турган, уларга ҳар томонлама муносиб бўлган авлодгина бундай улкан ишларга қодир бўлади.

Бугунги кунда бутун Ўзбекистон сизлар каби баҳодир ўғлонларни олқишламоқда, жаҳон ахли сизларга тан бермоқда.

Мен доимо бир фикрни такрорлашдан чарчамай-ман. Биз ўзимизнинг ҳалол меҳнатимиз, ақл-заковатимиз, катъият ва иродамиз билан дунё ахли бизни тан олиши, эътироф этишига эришишимиз керак. Янги Ўзбекистонни янги галабалар билан бутун дунёга танитаётган спортчиларимизнинг бекйёс ютуқлари мана шу йўлда яна бир муҳим қадам бўлиши шубҳасиз.

Бундай азму шижоатли, ватанпарвар ёшларимиз энг катта бойлигимиз, миллатимизнинг “олтин фонди”, десам, ўйлаيمان-ки, бутун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламан.

Азиз юртдошлар!

Бу йилги Олимпия ўйинлари қандай қийин ва мураккаб вазиятда ўтганини албатта барчамиз яхши биламиз. Жаҳон миқёсида давом этаётган пандемия, аввало, спортчилар учун қўйилмаган жисмоний ва руҳий муаммоларни келтириб чиқарди.

Бу галги Олимпиада ҳақиқий мардлик ва матонат синови, ҳалол ва кескин беллашувлар майдони бўди. Мавжуд шароитдан келиб чиқиб, кўплаб мусобақалар муҳлислар иштирокисиз ўтди. Бундай ҳолат ҳам Олимпиада тарихида авваллари ҳеч қачон кузатилмаган ҳодисадир.

Ана шундай ўша оғир вазиятда Ўзбекистон спортчилари фақат галаба сари интилиб, ҳақиқий мардлик ва жасорат намунасини кўрсатганларига барчамиз гувоҳ бўлдик.

Фарзандларимиз она халқимизнинг меҳри ва ишончи, миллионлаб муҳлисларнинг кўллаб-қувватлашини ҳар дақиқа юрак-юракдан ҳус этиш турдлари ва бу уларга чексиз куч ва маддд берди.

Фурсатдан фойдаланиб, Токиодаги мусобақаларда Ватанимиз шафони муносиб ҳимоя қилган, барчамизга ҳаяжонли ва унутилмас дамларни тақдим этган Ўзбекистон Олимпия терма жамоасининг барча аъзолари ва устоз-мураббийларга ўз номидан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдираман.

Албатта, эришилган натижаларда Олимпиада ўйинларига олдиндан пухта тайёргарлик қўрилгани, бунинг учун давлатимиз томонидан барча шароитлар яратиб берилгани муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ана шундай эътибор тўғайли Ўзбекистон вакиллари 17 та спорт тури бўйича 71 та Олимпия йўлланмасини кўлга киритганлари ҳам миллий спортимиз тарихидаги энг юқори кўрсаткичдир.

Ана бир муҳим жиҳати — аёллар ўртасида спортни ривожлантириш мақсадига амалга ошираётган катта ишларимиз ижобий натижа бермоқда. Буни 28 нафар спортчи хотин-қизларимиз Токио Олимпиядага йўлланмани кўлга киритгани ҳам тасдиқлайди. Таъкидлаш керакики, бу мустақил Ўзбекистон тарихидаги рекорд натижадир.

Боксчи қизларимиз илк бор Олимпиадага 3 та йўлланмани кўлга киритишди. Натижада бокс бўйича жами лицензиялар сони 11 тани ташкил этди. Ушбу Олимпия ўйинларида фақат учта давлат шунча боксчи билан иштирок этганини ҳисобга олсак, бу ҳам албатта алоҳида эътиборга лойиқ кўрсаткич.

Бундай мисолларни яна давом эттириш мумкин. Буларнинг барчаси Ўзбекистон Олимпиада харакати тобора ривожланиб, янги, юксак босқичга кўтарилаётганидан далолат беради.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида Токио Олимпиадасида голиб ва совриндор бўлган спортчиларимиз таълим олган мактаб ва олий ўқув юр்தларида, вояга етган маҳаллаларда уларнинг ибратли фаолиятини тарғиб этишга бағишланган кўргазмалар ташкил қилиш максадга мувофиқ бўлади.

Қадрли дўстлар! Бугунги имкониятдан фойдаланиб, кўп йиллар мобайнида спорт гимнастикаси билан шуғулланиб келаётган, жаҳон миқёсида шухрат қозонган Оксана Чусовитина ҳақида чўқур ҳурмат билан гапирмоқчиман.

Барчамиз яхши биламизки, таниқли спортчимиз биринчи марта 1992 йили Барселона Олимпиадасида иштирок этган эди. Шундан кейин у кетма-кеч саккиз бор Олимпия ўйинларида иштирок этди. Бу чиндан ҳам, Гинессинг рекордлар китобига киритилган дунё спортдаги ноёб ҳодисадир.

Оксана Александровнанинг Токио Олимпиадасидаги навбатдаги иштироки муҳим воқеа сифатида эътироф этилди. Жаҳон ҳамжамияти Оксананинг матонати, ўз иши ва касбига садоқатига тан бериб, унинг чиқиларини ҳайрат ва ҳаяжон билан кузатиб борди.

Ҳақиқатан ҳам, бутун ҳаётини спортта бағишлаб, мана шундай йирик мусобақаларда муваффақият қозонишга тинимсиз интилиб яшаш учун кучли ирода ва фидойилик керак.

Биз бундай афсонавий спортчиларимиз билан

ҳақли равишда фахрланамиз. Унинг жасорати, галабага бўлган иродаси ёш спортчилар учун ўзига хос юксак ютуқлар ва шон-шараф мактаби бўлиб хизмат қилади.

Оксана Чусовитина миллий спортимизни ривожлантириш борасидаги улкан хизматлари учун “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози” фахрий унвони билан тақдирланди.

Аминманки, Оксана Чусовитина ўзининг муваффиқиятли мураббийлик фаолияти билан спорт гимнастикаси бўйича янги чемпионларни тарбиялашга муносиб ҳисса қўшади.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасига Оксана Чусовитина ва Баҳодир Жаловоннинг спорт маҳорати мактабини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти учун барча зарур шароитларни яратиб бериш вазифаси топширилади.

Ҳурматли Оксана Александровна, Ватанга муҳаббат ва садоқатингиз, спортдаги фидойилигингиз, букилмас ирода ва матонатингиз учун Сизга яна бир бор улкан миннатдорлик билдираман.

Мухтарам дўстлар!

Бу галги Олимпиада биз учун спорт оламида бир қатор янги истеъдод соҳибларини, янги Ўзбекистоннинг янги қаҳрамонларини кашф қилиб берганини таъкидлаш лозим. Хусусан, 18 ёшли спортчи қизимиз, қорақалпоқ элининг муносиб фарзанди Зайнаб Дайбекова қиличбозликнинг сабля йўналиши бўйича Ўзбекистон тарихида биринчи марта Олимпиадада қатнашчиси деган шарафга сазовор бўлди. Энг муҳими, у мусобақаларнинг иккинчи даврасида Осёй ўйинларининг финалчиси, дунё рейтингда 3-ўринда бораётган хитойлик тақрибали спортчини мағлуб этди. Мен ишонаман, Зайнаб қизимиз келгуси Олимпия ўйинларида янада фаол иштирок этиб, ўзининг тиришқоқлиги билан Ўзбекистонимизга албатта олтин медаль олиб келади.

Ун тўққиз ёшли Қумушхон Файзуллаева эса 76 килограммгача бўлган вазн тоифасидаги қизлар ўртасида оғир атлетика баҳсларининг энг ёш иштирокчиси сифатида эътироф этилди. Таъкидлаш лозимки, дунё миқёсида қамдан-кам спортчи бу ёшда Олимпия ўйинларида иштирок этиш шарафига муассар бўлади.

Ҳеч шубҳасиз, буларнинг барчаси юртимизда ёш авлод тарбиясига, жисмоний тарбия ва спорт ривожига қаратилаятган юксак эътибор ва амалий ғамхўрлик натижасидир.

Ҳурматли дўстлар, мана, кўриб турибсизлар — Ўзбекистоннинг жасур спортчи қизлари халқро майдонларга дадил кириб келмоқда. Барчамиз уларга чин қалбдан тасанно айтамиз.

Айни вақтда мен спортчи йигитларимизга қараб айтмоқчиман: агар қаттиқ ғайрат қилмасаларингиз, қизларимиз ҳадемай сизлардан ўтиб кетади.

Мамлакатимизда замонавий таълим-тарбия масканлари билан бирга, янги-янги спорт мактаблари ва мажмуалари, стадионлар, сузиш ҳавзалари барпо этилаётгани фарзандларимизнинг қалбида спортга меҳр уйғотмоқда. Айниқса, бу соҳада фаолият кўрсатаётган устоз ва мураббийларнинг машаққатли меҳнатини муносиб қадрлаш, уларни моддий ва маънавий кўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган катта ишларимиз ижобий самара бермоқда.

Аминманки, ушбу Олимпиадада натижалари мамлакатимизда спортнинг барча турларини ривожлантиришга кучли туртки беради.

Энг асосийси, бундай галабалар ўсиб келаётган ёшларни барча соҳалар қатори спорт бўйича ҳам маррани баланд олиб, доимо галаба сари интилиб яшашга ўргатади, соғлом турмуш тарзини ҳаётимиз қондасига айланттиришга хизмат қилади.

Албатта, жаҳоннинг энг йирик спорт мусобақаси бўлими Олимпия ўйинларида иштирок этишининг ўзи катта шараф ва масъулият. Буни барчамиз яхши тушунамиз. Бунинг учун қанча оғир довоналардан, машаққатли синовлардан ўтши талаб этилади.

Бу гал омади келмаган спортчиларимизга қарата, руҳингиз тушмасин, келгуси сафар бахт сизларга алоҳида қулиб боқади, деб ишонч билдирмоқчиман. Улар ҳам кескин баҳсларда ғайрат ва шижоат билан кураш олиб бориб, катта синовларда ўз салоҳиятини намоён этганлари биз учун муҳимдир. Шунинг учун уларни ҳам голиблар қаторида кўриб, чин дилдан олқишлаймиз.

Биз Олимпиаданинг голиб ва совриндорлари, уларнинг тренерлари ҳамда барча иштирокчиларни муносиб тақдирлашга қарор қилдик. Ўзбекистонда Олимпиада олтин медалли соҳиблари — 200 минг АҚШ долларидан, бронза медалли эгалари — 50 минг АҚШ долларидан мукофот пули билан тақдирланиши белгилаб қўйилганидан хабарингиз бор, албатта.

Спортчиларимизни мурасосиз беллашувларга тайёрлашда эртаю кеч улар билан бирга бўлган жонқуяр мураббийларнинг хизматларини алоҳида таъкидлашни истардим. Бугун голиб ва совриндор спортчиларимизни тайёрлашда чинакам фидойилик кўрсатган Тўлқин Қилчев, Павел Хан, Фарход Мирзажонов, Нурали Қобулов, Музаффар Абдурахмонов каби тажрибали мураббийларнинг оммларини чўқур ҳурмат билан тилга оламиз.

Биз Олимпия чемпионларининг тренерларини 40 минг АҚШ долларидан, бронза медалъ соҳибларини мураббийларини 20 минг АҚШ долларидан мукофотлашни лозим деб топдик.

Агар Олимпиадада иштирок этган ҳар бир спортчи кўп қил йиллик оғир тайёргарлик жараёнидан ўтишини кўз олдимизга келтирсак, улар ҳам бугун голиблар қаторида тақдирланишга муносиб эканига амин бўламиз. Шунн ҳисобга олган ҳолда, бу спортчиларимизнинг ҳар бирини 5 минг АҚШ доллари миқоридаги

пул мукофоти билан рағбатлантиришга қарор қилдик. Қадрли юртдошлар!

Токио Олимпиадаси бизга янги қаҳрамонларни кашф қилиб берди. Улар ўзлари эришган ютуқ ва натижалар билан келгуси Олимпиадаларда янада муваффақиятли иштирок этиш учун мустаҳкам пойдевор яратадилар, десак, тўғри бўлади.

Шу ўринда Олимпия ўйинларида жамоавий спорт турлари бўйича сезиларли натижага эришса олмага-нимизни очик тан олишимиз керак. Бу ҳол мутасадди раҳбарларни жиддий йилантириши зарур. Агар кимдир, бундан кейин ҳам олдинги Олимпия ўйинларида бўлгани каби, фақат яккакураш спорт турлари ҳисобидан ютуқларга эришамиз, деб ўйласа, адашади. Билиб қўйилган, бу — мутлақо нотўғри ёндашув.

Барчамиз яхши тушунамизки, Ватанимизнинг спорт соҳасидаги улкан салоҳиятини намоён этишда 2024 йилда бўладиган Париж Олимпиадаси янада муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ҳақиқатни барчамиз чўқур ҳис этиб, ҳар томонлама тушуниб, аниқ тизим асосида иш олиб боришимиз зарур.

Бўлгуси Олимпиада олдидан футбол, баскетбол, гандбол, чим устида хоккей, регби, волейбол сингари жамоавий спорт турлари бўйича ҳам йўлланмаларни кўлга киритиш асосий мақсадимиз бўлиши зарур.

Шу муносабат билан қўйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Биринчидан, мамлакатимиз спорт делегациясининг Токио Олимпиадасидаги иштирокчили ҳар томонлама чўқур таҳлил этиб, йўл қўйилган хато ва камчиликларни сарҳисоб қилишимиз керак.

Бунинг учун спорт менежменти бўйича нуфузли халқро компаниялардан бирини жалб этган ҳолда, мамлакатимизда ушбу соҳада бошқувар тизимининг ҳар бир бўғинини аудитдан ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳакимов Миллий олимпия қўмитаси ва Миллий паралимпия қўмитаси билан биргаликда жорий йил якунига қадар аудит натижаларига асосан жисмоний тарбия ва спортни ҳамда спорт федерациялари бошқувар тизимини янада такомиллаштириш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқиб кiritсин.

Келгуси Олимпия ўйинларига ҳар томонлама тайёргарликни шу бугундан бошлашимиз керак. Ўз олдимизга аниқ мақсад қўйиб, астойдил ҳаракат қилсак, албатта натижага эришамиз. Мисол учун, Парижда бўлиб ўтадиган навбатдаги ёзги Олимпиядага 100 дан зиёд лицензиясини кўлга киритиш ва медаллар бўлиб етакчи 15 та мамлакат қаторидан жой олиш учун ҳамма имкониятларимиз бор.

Шу билан бирга, барча шахар ва туманларда тегишли спорт турларини ривожлантириш ва зарур шароитлар яратиш чораларини кўриш бугунги кун талабидир. Бу ҳақда гап кетганда, ҳар бир ҳудуд кесимида Олимпиада ўйинларига ҳозирлик қўриш дастурларини ишлаб чиқиб, уни тизимли ташкил этиш керак.

Бош вазир А.Арипов бу соҳада эришилган ютуқлар ва йўл қўйилган камчиликларнинг сабабларини чўқур таҳлил қилиб, Париж Олимпиадасига тайёргарлик қўриш бўйича қарор лойиҳасини киритсин.

Иккинчидан, спорт бўйича таълим сифатини яхшилашимиз, иқтидорли, истиқболли спортчиларни саралаш (селекция) ва уларнинг захирасини шакллантириш тизимини тубдан такомиллаштиришимиз лозим.

Бунда замонавий ўқитиш дастурлари ва методикасини амалиётга жорий этиш, спорт таълим муассасаларида Паралимпия бўлимларини ташкил этиб, уларга 10 фоиз қўшимча квоталар ажратиш яхши натижа бериши мумкин.

Спортчиларни ўқитишда ота-оналар томонидан пул тўлаш тартибини бекор қилиш зарур. Шунингдек, битирувчиларни олий таълим муассасаларига жисмоний тарбия ва спорт йўналишлари бўйича давлат гранти асосида тўртиндан-тўғри иккинчи босқичга, имтиҳон синовларисиз қабул қилиш тизимини ҳам жорий этишимиз керак.

Олимпия заҳиралари коллежларига юқори натижаларга эришган, бой тақриббага эга ва айнқса, спортнинг жамоавий турлари бўйича юқори малакали мутахассисларни жалб этиш муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда катта харажатлар эвазига хориждан спортчиларни (легонер) олиб келиш тақриббаси унчалик ҳам ўзини оқламаётганини очик айтишимиз керак. Бундай амалиётдан воз кечиб, маҳаллий спортчиларимизни тарбиялашга жиддий эътибор қаратадиган пайт келди. Хориждан легонерлар эмас, етуқ мутахассисларни ҳамда спортчиларни тайёрлаш методикасини олиб келиш керак.

Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳакимов, олий ва ўрта махсус таълим вазири А.Тошқулов Миллий олимпия қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда спорт йўналишида таълим сифатини янада ошириш, шунингдек, ривожланган мамлакатлардан юқори малакали мураббий ва мутахассисларни, замонавий методикаларни олиб келиш бўйича тақлиф киритсин.

Учинчидан, республикамиздаги мавжуд олимпия заҳиралари коллежларига ўқувчиларни қабул қилиш бўйича квоталарни спорт турларининг хусусиятларидан келиб чиқиб шакллантиришга эътибор қаратишимиз лозим.

Мисол учун, волейбол жамоасининг таркиби 10 нафарини ташкил этса-да, коллежларга атиги 3 — 5 нафардан қўвчи қабул қилинмоқда. Бундай ҳолат жамоавий спорт турларининг барчасида кузатишмоқда. Табиийки, бу аҳолда ушбу соҳаларни ривожлантириш мумкин эмас.

Шунингдек, мамлакатимизда юқори даражада ривожланган бокс спортн бўйича коллежларга қабул квотаси атиги 4 нафар этиб белгиланганини ҳам

қонқарли, деб бўлмайдн. Ваҳоланки, дунёда ушбу спорт тури бўйича 13 та вазн тоифасида беллашувлар ўтказилади.

Бир сўз билан айтганда, олимпия заҳиралари коллежларида қабул квоталарини бутунлай қайта кўриб чиқиб, янги тизим асосида белгिलाш зарур. Бундай таълим муассасаларини ҳудудларда яхши ривожланган спорт турларига ихтисослаштириш ижобий натижага бериши шубҳасиз. Айтайлик, Сурхондарё ва Қашқадарёда — спортнинг яккакураш турлари, Фарғона водийси вилоятларида — жамоавий спорт ўйинлари ва бокс, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Тошкент вилоятларида — оғир атлетика, қиличбозлик бўйича таълим бериш йўлга қўйилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

А.Абдуҳакимов Миллий олимпия қўмитаси ва спорт федерациялари билан биргаликда бир ой муддатда олимпия заҳиралари коллежлари фаолиятини қайта ташкил этиш ҳамда спорт таълим тизимини такомиллаштириш бўйича қарор лойиҳасини киритсин. Қарорда Миллий олимпия қўмитасига ушбу коллежлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш, жойларда ёш истеъдод эгаларини излаб топиш, уларни қўллаб-қувватлаш, селекция ишлари билан жиддий шуғулланиш каби вазифалар юклатилиши зарур.

Тўртинчидан, бугунги кунда республикамизда 329 та спорт мактаби фаолият кўрсатмоқда. Уларда 13 минг нафардан зиёд тренерлар кўл остида 328 мингдан кўпроқ ёшлар спортнинг 30 дан ортиқ тури бўйича мунтазам шуғуланмоқда.

Бирок ана шу мактабларнинг ҳаммаси ҳам самарали фаолият кўрсатамьяпти. Аксарият спорт мактабларидан бирорта республика чемпиони етишиб чиқмагани ҳам фикримиз далилидир. Ҳолбуки, олимпия заҳиралари коллежларида 7 минг нафар бола таълим олмақда. Уларнинг ўқилиш учун бюджетдан қанча маблағ берилади. Лекин уларнинг орасида атиги 70 нафари Олимпия қатнашчиси бўлиши — бу албатта қонқарсиздир.

Шунинг учун 2021 йилдан бошлаб ҳар бир спорт мактабига давлат бюртмаси бериш тизимини жорий этиш лозим. Бунда спорт мактаблари томонидан ҳар йили "спорт усталигига номзод", "спорт устаси", "халқро тоифадаги спорт устаси" каби разряд ва унвонларга эга бўлган спортчиларни тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу тизим орқали спорт мактабларининг рейтингни юритилади ва уларнинг фаолиятига шу асосда баҳо берилади.

А.Абдуҳакимов бир ой муддатда спорт мактабларида давлат бюртмаси тизимини жорий этиш бўйича қарор лойиҳасини ишлаб чиқин.

Бешинчидан, спорт турлари бўйича ўтказилаётган мамлакат чемпионатларининг савияси тушиб кетган. Энг ачинарлиси, бу соҳада коррупция ҳолатлари кўзга ташланмоқда.

Масалан, спорт мусобақаларининг ҳудудий босқичлари ўтказилмасдан, фақатгина маълум бир тоифадаги спортчиларни республика босқичига олиб келиш одатий ҳолга айланган. Шу боис чемпионатлариимида қучли спортчилар жуда кам, рақобат деярли йўқ. Бунинг устига, спортнинг жамоавий ўйин турлари бўйича ҳудудлардан жамоалар етарлича иштирок этмаппти. Федерациялар эса чемпионатларни бор-йўғи 4-5 та жамоа иштирокида, номига ўтказиш билан чекланиб қолмоқда. 2021 йилда баскетбол ва сув полоси бўйича Ўзбекистон чемпионатларида 4 тадан жамоа қатнашгани бунга мисол бўла олади.

Спорт йўналишидаги вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун соҳада биринчи навбатда давлат бошқарувини янада такомиллаштириш талаб этилади.

Бош вазир А.Арипов бир ой муддатда Туризм ва спорт вазирлигининг тузилмасини қайта кўриб чиқиш ҳамда жамоавий спорт мусобақаларини ўтказишни такомиллаштириш юзасидан тегишли қарор лойиҳасини киритсин.

Олтинчидан, Олимпия захирасидаги спортчиларнинг жисмоний, тиббий ва психологик ҳолати ҳамда фармакологик таъминотини яхшилаш, бунда илгор хорижий тақрибба билан бирга илмий ёндашув ва халқ таботабатини қўллаш муҳим ҳисобланади.

Спортчиларнинг жисмоний ва руҳий тикланишига ёрдам берадиган, уларнинг саломатлиги ва жисмоний қобилиятига ижобий таъсир этадиган маҳаллий озиқ-овқатлар рўйхати ҳамда оптимал овқатланиш рацоналарини ишлаб чиқиб, амалиётга жорий этиш лозим.

Олимпия терма жамоалари спортчиларининг руҳий тайёргарлигига алоҳида эътибор қаратиш жуда муҳим. Чўки спортчининг руҳий тайёргарлиги, ўзига ишончи қанчалик кучли бўлса, албатта, натижа ҳам шунча яхши бўлади. Шу мақсадда Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказида спорт психологиси ва диетологисиз бўлимларини ташкил этиш лозим.

Миллий олимпия қўмитаси соғлиқни сақлаш вазири А.Ҳожибоев ва молия вазири Т.Ишметов билан биргаликда бир ой муддатда Қўмита қошидаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказини замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Еттинчидан, ёзги ва қишки Олимпия ҳамда Паралимпия ўйинлари, нуфузли халқро мусобақаларнинг голиб ва совриндорлари ҳамда уларнинг тренерларини рағбатлантиришининг замонавий тизимини жорий этиш зарур.

Шу мақсадда ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги жаҳон мусобақаларининг голиб ва совриндорларини ҳамда уларни ана шу мусобақаларга тайёрлаган мураббийларни ҳам рағбатлантиришни кенгайтирамиз.

Бунда олтин медаль совриндорига — 3 минг доллар, тренерига — 2 минг доллар, кумуш медаль соҳибига — 2 минг доллар, тренерига — 1 минг доллар, бронза медални учун — 1 минг доллар, тренерига — 500 доллар миқдорига мукофот пули берилади.

Бундан ташқари, нуфузли халқро чемпионатлар голибларининг устозлари "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси", "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози" фахрий унвонлари билан тақдирланади.

А.Абдуҳакимов, Т.Ишметов Миллий олимпия қўмитаси ва Миллий паралимпия қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда спортни молиялаштириш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиб, уни замонавий талаблар асосида такомиллаштириш юзасидан тақли киритсин. Бунда ушбу жараёнинг шаффоф бўлиши ҳамда сарфланган маблағларнинг натижадорлигига, иқтидорли спортчиларни тайёрлаган биринчи тренерларни ҳам моддий рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилсин.

Саккизинчидан, ҳудудларда иқтидорли спортчи ёшларни аниқлаш, танлаш ва саралаш (селекция) ҳамда Ўзбекистон чемпионатларини ташкил этиш ишларини тўлиқ рақамлаштириш зарур. Бу, ўз навбатида, олимпия спорт турлари бўйича терма жамоаларга спортчиларни жалб этиш тизимини адолатли ташкил этишга хизмат қилади.

Бош вазир ўринбосари А.Абдуҳакимов, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш

СПОРТЧИ ВА МУРАББИЙЛАРГА ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

Юртимиз яккакурашлар мактабичининг умидли вакиллари — дзюдочи Давлат Бобонов ва эркин курашчи Бекзод Абдурахмонов бронза медалларини кўлга киритдилар.

Президентимиз ушбу спортчиларнинг ота-оналари ва мураббийларига алоҳида раҳматлар айтди.

— Томирларида Жалолиддин Мангуберди, Амир Темур, Пахлавон Махмуд, Захириддин Бобур каби буюк аждодларимизнинг куч-ғайрати жўш уриб турган, уларга ҳар томонлама муносиб бўлган авлодгина бундай улкан ишларга қодир бўлади, — деди Шавкат Мирзиёев.

Юртимизда аёллар спорти ривожланиб бораётгани эътироф этилди. Бунги Токио Олимпиадасида 28 нафар спортчи қизимиз қатнашганда ҳам кўриш мумкин. Бу мустақил Ўзбекистон тарихида рекорд натижадир.

Давлатимиз раҳбари дунё миқёсида шуқрат қозонган қаҳрамон спортчимиз Оксана Чусовитина ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди. Чусовитина ҳақида алоҳида кетма-кет 8 марта Олимпия ўйинларида қатнашган. Бу жаҳон спорти тарихида ноёб ҳодиса бўлиб, Гиннеснинг рекордлар китобиغا киритилган. Шу боис унинг иштироки Токио Олимпиадасининг муҳим воқеаларидан бири сифатида эътироф этилди.

— Бундай афсонавий спортчимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Унинг жасорати, ирода-си, ғалабага қатъий интилиши ёш спортчилар учун улкан муваффақият ва шон-шараф мактаби бўлиб қолади, — дея таъкидлади Президент.

Ватанга муҳаббати, спортга фидойилиги

ва улкан хизматлари учун Оксана Чусовитинага “Ўзбекистон Республикасида хизмат қўсатган спорт устози” унвони берилди.

Вазирлар Маҳкамасига Оксана Чусовитина ва Баходир Жалоловнинг спорт мактабларини ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди.

Президентимиз қиличбозликнинг сабля йўналиши бўйича мамлакатимиз тарихида биринчи марта Олимпиадада қатнашган 18 ёшли Зайнаб Дайбекова, оғир атлетика бўлабларининг энг ёш иштирокчиси бўлган 19 ёшли Кумушхон Файзуллаевани ҳам тилга олди.

— Мана, кўриб турибсизлар, Ўзбекистоннинг жасур спортчи қизлари халқроқ майдонларга дадил кириб келмоқда. Барчамиз уларга чин қўлдан тасанно айтаммиз. Айни вақтда мен спортчи йигитларимизга қараб айтмоқчиман: агар қаттиқ ғайрат қилмасаларингиз, қизларимиз ҳадемай сизлардан ўтиб кетади, — дея лутф қилди Шавкат Мирзиёев.

Маълумки, юртимизда Олимпия ўйинларининг голиблари 200 минг АҚШ доллари-дан, қумуш медал соҳиблари 100 минг ва бронза медал эгалари 50 минг АҚШ долларидан мукофот пули билан тақдирланиши белгиланган бўлибди.

Давлатимиз раҳбари спортчиларни муро-сасиз курашларга тайёрлашда мураббийлар-нинг хизматлари катта эканини алоҳида таъ-кидлади. Шу боис Олимпиада чемпионлари-нинг мураббийлари 40 минг АҚШ доллари-дан, бронза медал соҳибларининг устоз-лари 20 минг АҚШ доллари-дан мукофотла-ниши айtilди.

Олимпия ўйинларига йўлланма олиш ва унда иштирок этишнинг ўзи ҳам бир муваф-фақият. Бунинг учун спортчи кўп йиллар да-вомида машғулот олиб боради, ўзини шунга бағишлайди. Шунга ҳисобга олиб, бундай

спортчиларнинг ҳар бири 5 минг АҚШ дол-лари миқдоридаги пул мукофоти билан ра-батлантирилиши маълум қилинди.

Тадбирда 2024 йилда Парижда бўладиган Олимпия ўйинларига тайёргарлик борасида-ги вазифалар ҳам кўрсатиб ўтилди.

Авалло, спорт менежменти бўйича халқ-ро компанияни жалб этган ҳолда, соҳанинг ҳар бир бўғинини аудитдан ўтказиш, унинг натижалари асосида жисмоний тарбия ва спортни ҳамда спорт федерациялари бошқарув тизимини янада такомиллашти-риш вазифаси қўйилди.

Фақат яккакурашлар билан чекланмас-дан, жамоавий спорт турлари бўйича ҳам йўлланмаларни кўлга киритиш муҳимлиги таъкидланди.

Спорт бўйича таълим сифатини яхшилаш, замонавий методика ва амалиётларни жо-рий этиш, иқтидорли спортчиларни саралаш ва тарбиялаш масалаларига алоҳида эъти-бор қаратилди.

— Хориждан легионерлар эмас, етук мутахассисларни ва спортчиларни тайёрлаш методи-касини олиб келиш керак, — деди Президент.

Олимпия заҳиралари коллежларида қабул квоталарини бутунлай қайта кўриб чиқиш ва уларда таълим тизимини тако-миллаштириш бўйича топширик берилди.

Мамлакатимизда 329 та спорт макта-би бор. Уларда 13 минг нафардан зиёд мураббийлар ишламоқда, 328 мингдан ортқ ёшлар спортнинг 30 дан ортқ тур-лари билан шугулланмоқда. Бироқ бу мак-табларнинг ҳаммаси ҳам самарали фао-лият қўрсатяпти, деб бўлмайдик. Айримла-ридан биронта республика чемпиони еттишиб чиқмаган.

Шунинг учун 2021 йилдан бошлаб ҳар бир спорт мактабига давлат буюртмаси бе-риш тизимини жорий этиш, уларда спорт разряди ва унвонларга эга ўғил-қизларни

тайёрлашга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланди.

Республика миқёсидаги чемпионатларнинг савияси тушиб кетгани, рақобат қамлиги кўрсатиб ўтилди. Жамоавий спорт турлари бўйича ҳудудлардан жамоалар етарлича иш-тирок етмаётти. Федерациялар эса чемпио-натларни бор-йўғи 4-5 та жамоа иштироки-да, номига ўтказиш билан чекланмоқда.

Шу боис Туризм ва спорт вазирлигининг тузилмасини ҳамда жамоавий спорт мусо-бақалари ўтказишни такомиллаштириш бўйича кўрсатма берилди.

Спортчиларнинг жисмоний, тиббий ва психологик ҳолати ҳамда фармакологик таъминотини яхшилаш, бунда илғор хори-жий тажриба билан бирга, илмий ёндашув ва халқ таъботатини қўллаш муҳимлиги таъ-кидланди. Республика спорт тиббиёти ил-мий-амалий марказини замонавий уску-налар билан жиҳозлаш, у ерда спорт психологияси ва диетологияси бўлимла-рини ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Ўсмирлар ва ёшлар ўртасидаги жаҳон че-пионатларининг голиб ва совриндорларини ҳамда уларнинг мураббийларини рағбат-лантириш чора-тадбирлари белгиланди.

Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва чемпио-натлар ўтказиш тизимини тўлиқ рақамлаш-тириш, Олимпия заҳиралари платформасини ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 августдаги Фармониға мувофиқ, Токио шаҳрида бўлиб ўтган XXXII ёзги Олимпия ўйинларида юқори натижаларга эришган спортчи ва мураббийлардан бир гуруҳи фахрий унвонлар, орден ва медаллар билан тақдирланди.

Тадбирда ана шу юксак мукофотлар тан-танали равишда топширилди.

Спортчи ва мураббийлар, ота-оналар сўзга чиқиб, юксак ҳурмат ва эътибор бунд давлати-миз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Ў.А.

Республика комиссияси йиғилиши

Кеча “Гендер тенглик фаоли” ва “Йил аёли” миллий кўрик-танловини ташкил этиш ва уни ўтказиш бўйича Республика комиссияси йиғилиши бўлиб ўтди.

«ГЕНДЕР ТЕНГЛИК ФАОЛИ» ВА «ЙИЛ АЁЛИ» МИЛЛИЙ ТАНЛОВЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ

Унда сенаторлар, комиссия ва эксперт-лар кенгаши аъзолари, вазирлик, идора ва ташкилотлар мастъулари, Қорақалпо-ғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари котибият мудирилари, ёшлар сиёсати, хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари бўйича доимий ко-миссия раислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Қайд этилганидек, мазкур танловлар Ўзбекистон Республикаси Гендер тенглик-ни таъминлаш масалалари бўйича комис-сияси, Олий Мажлис Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси, Республика хотин-қизлар жамоатчилиги ке-нгаши томонидан уюштирилмоқда.

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг шу йил 22 апрелдаги “Ўзбекистон Республи-каси Олий Мажлиси Сенати қўмиталари томонидан ўтказиладиган кўрик-танловлар тўғрисида”ги қарори билан “Гендер тенг-лик фаоли” миллий танловини ўтказиш бел-гиланиб, Республика комиссияси таркиби ва танлов низоми тасдиқланган эди.

Танлов низомига кўра, унда гендер тенгликни таъминлаш соҳасида юқори на-тижаларга эришган, жамият ривожига йўлдош ташаббус қўрсатаётган, хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тегишли йўна-лишларда долзарб вазифаларни амалга ошираётган вазирлик ва идоралар, нодав-лат нотижорат ташкилотлари, ҳокимиятлар, тадбиркорлик субъектлари ва оммавий ах-борот воситалари қатнашиши белгиланган.

“Гендер тенглик фаоли” танловига қат-нашиш учун номзодлардан ариза ва амалга оширган ишлари ҳақидаги маълумотлар 1 сентябрдан 1 октябрга қадар комиссия-га тақдим этилиши лозим.

Голиблар ноябрь ойида ўтказиладиган танловнинг якуний босқичида аниқланган-ди. Танлов “Гендер тенгликни таъминлашда энг фаол давлат органи”, “Гендер тенглик-

«Халқ сўзи».

ФАРОВОНЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАСЪУЛИЯТИ



Яқин кунларда юртдошларимиз томонидан энг улуг, энг азиз нэмат бўлган Мустақиллигимизнинг ўттиз йиллиги кенг нишонланади. Ўтган вақт давомида иқтисодий соҳани ривожлантириш орқали фуқаролар бандлигини таъминлаб, даромадини ошириш, қўлай ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини яратиш борасида салмоқли натижаларга эришилди.

Фикр

Бу борадаги ислохотлар Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг сайловолди дастури-да назарда тутилган гоё ва ташаббус-ларга ҳамоҳангдир.

Партия ижтимоий йўналтирилган бо-зор иқтисодиёти тарафдорли сифатида юксак технологияли маҳсулот, маълумот-лар жадал алмашинуви технологияси ва виртуал молиявий хизматларга таянган ракамли иқтисодиётнинг янги ички маҳ-сулот таркибидаги улушини 2025 йилга қадар 45 фоизга етказишни муҳим ва-зифалардан бири сифатида белгилаб ол-ган эди. Бугунги кунда қўнунчиликка ки-ритилган тегишли ўзгаришлар натижа-сида аҳолининг ижтимоий қатламларини иш билан таъминлаган фуқаро ва тад-биркорларга ўз фаолиятларини йўлга қўйишлари учун қўллаб имтиёзлар тақ-дим этилмоқда.

Хусусан, кичик бизнес ва хусусий тад-биркорликни кенг ривожлантириш учун имтиёзли тараздаги кредитлар ажратил-моқда. Шу билан бирга, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини режадан ташқари ва муқобил текшириш амалиё-ти бекор қилинди. Соҳага ахборот те-хнологияларини кенг жорий этилиши на-тижасида тадбиркорликни рўйхатдан ўтқа-зиш учун давлат хизматларини кўрсатиш тартиботлари сони, рўйхатдан ўтиш учун кетадиган вақт қисқарди.

Президентимизнинг 2017 йилдаги “Эркин иқтисодий зоналар ва кичик са-

нингдек, ички тартиб-қоидаларига риоя этиши учун масъул ҳисобланади.

Қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган участка сайлов комиссиялари маз-кур муассасаларнинг маъмурияти би-лан биргаликда сайловчиларни сай-лов тўғрисидаги қўнун ҳужжатлари, сайловга тайёргарлик қўриш, уни ўтказиш жараёнида, сайлов ўтказиш вақти ва тартиби ҳамда номзодлар ҳақида хабардор қилиб боради.

Шунингдек, номзодларга, уларнинг ишончли вакилларига, сиёсий партияларга фуқаролар билан урчуве-лар ўтказиш орқали сайловолди ташвиқоти учун тенг шароитлар яратиб берилиши лозим. Шундаги-на маҳкумлар номзодлар томонидан кўтарилаётган ташаббуслар асоси-да улардан бирини танлайтиди ва сайлаш ҳуқуқидан фойдаланади. Омбудсман ва унинг минтақавий ва-киллари томонидан олиб борилади-ган ўрганишларда айни шу жиҳатлар эътиборга олинади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, ушбу сайлов жараёнида фуқаро-ларнинг сайлаш ҳуқуқини таъминлаш, уларга белгиланган тартиб-таомил-лар асосида шароитлар яратиш ва сайловни очик, адолатли ва албат-та, тенг сайлов ҳуқуқи асосида ўтқа-зилиши муҳим аҳамиятга эга. Чунки ушбу жараёнда Ўзбекистоннинг жа-ҳонда тутган ўрни, халқроқ нуфузи ва имижига бевосита ҳамда билвос-сила таъсир қўрсатади. Мамлакат ке-лажагига бефарқ бўлмаган! Сайлов-ларда ўз овозингиз бош қатнашинг. Зеро, бу Сизнинг Бош қўмисимизда акс этган сиёсий ҳуқуқингиздир.

Феруза ҲИМАТОВА
Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман).

Конун лойихаси — муҳокамада

СОДАЛАШТИРИЛГАН ТАРТИБ ВАҚТ ВА ХАРАЖАТНИ ТЕЖАЙДИ

Олий Мажлис Қўнунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида кўриб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонун лойихаси божхона қўнунчилигини бузиш билан боғлиқ бўлган айрим маъмурий ҳуқуқбузарликларни Давлат божхона қўмитасида мавжуд автоматлаштирилган ахборот тизимлари ёрдамида қайд қилиш ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини соддалаштирилган тартибда кўриб чиқишни назарда тутди.

Қонун лойихаси билан “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги кодекснинг 227¹⁰, 227¹³, 227¹⁶ ва 227²²-моддала-рида, яъни божхона юк дек-ларациясини қонун ҳужжатла-рида белгиланган муддатлар-да тақдим этмаслик, сақлов-га қўйилган товарларни сақ-лаш муддатларига риоя қил-маслик, божхона юк деклара-циясида нотўғри маълумотлар кўрсатиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларни содда-лаштирилган тартибда рас-мийлаштиришга қаратилган ўзгаришлар киритилмоқда.

Амалдаги қўнунчиликка эса товарларни “Вақтинча сақ-лаш” ва “Божхона оմбори” божхона режимида туриш муддати “Божхона оմбори” автоматлаштирилган ахборот тизими орқали назорат қили-нади, муддатлар бузилган тақ-дирда, божхона пост ходими томонидан ҳуқуқбузарлик со-дир этган шахс божхона постга чақиртирилиб, ҳолат юзасидан тушунтириш хати олинар ва маъмурий ҳуқуқбу-зарлик тўғрисида баённома расмийлаштирилган эди.

Шунингдек, ҳолат бўйича икки нафар ҳолисдан ту-шунтириш хати олинми, пост бошлиғи номига билдирги ёзилган ҳолда, тўпланган ҳуж-жатлар 1 кун ичида ҳудудий бошқармага юбориларди. Бошқарманинг тегишли бўли-ми томонидан 1 кун ичида маъмурий иш бўйича ҳуқуқбу-зарлик тўғрисида зарур маъ-лумотлар тўпганиб, ҳуқуқбузар-лик содир этган шахс бош-қармага чақиртирилди ва иш материаллари билан та-ништирилди. Ушбу тўғриси-да баённома тузилиб, тўплан-ган маъмурий иш тегишлили-ги бўйича кўриб чиқиш учун Жиноят ишлари бўйича судга юбориларди.

Суд томонидан маъмурий иш 15 кунгача кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинар-ди. Суд қарорига асосан фуқароларга БҲМнинг беш бараваридан — ўн баравари-гача, мансабдор шахсларга БҲМнинг етти бараваридан — ўн беш бараваригача жазима солинади.

Қонунга киритилаётган янги нормалар асосида Дав-лат божхона қўмитасида мав-жуд автоматлаштирилган ах-борот тизимлари ёрдамида қайд этиладиган ҳуқуқбузар-лиқни кўриб чиқиш ваколати суд органларидан божхона органларига ўтказилаяпти. Қолаверса, қўмитада мавжуд автоматлаштирилган ахборот тизимлари ёрдамида қайд



этиладиган ҳуқуқбузарликлар-ни баённома тузмасдан, жа-римна солиш ҳақидаги қарор асосида соддалаштирилган тартибда расмийлаштириш ва кўриб чиқиш тартиби жорий қилинмоқда. Ўз навбатида, соддалаштирилган тартибда расмийлаштириш ва кўриб чи-қилиши белгиланаётган ҳуқуқбузарликлар бўйича фу-қаролар ва тадбиркорларга енгиллик яратиш мақсадига маъмурий жарималар миқдори аниқ сўммада белгиланяпти.

Эндиликда товарларни “Вақтинча сақлаш” ва “Бож-хона оմбори” божхона ре-жимларида туриш муддати ичида тегишли бошқа режим-га расмийлаштирилмаган тақ-дирда божхона органларининг тегишли дастури орқали пост инспекторига ахборот келиб тушади. Божхона пости ин-спектори томонидан Божхона юк декларациясининг 50-пра-фасида тақдим этилган ҳуж-жатлар ва маълумотлар учун жавобгар шахсга нисбатан Давлат божхона қўмитасининг Автоматлаштирилган ахборот тизимларидаги “Е-қарор” мо-дули орқали 3 БҲМ жазима солиш ҳақидаги қарор авто-матик тарзда шақлланади.

Мазкур шақлланган қарор инспектор томонидан 10 дақиқа ичида кўриб чиқилиб, тасдиқла-нади. Қарор дастур орқали ҳуқуқбузарга электрон қўғирчи-да автоматик тарзда юборила-ди. Ушбу тартибда 10 дақиқа вақт сарф қилинган ҳолда, 3 БҲМ жазима солинади.

Қисқаси, божхона қоидабу-зарликлари учун жарима со-лиш ҳақидаги қарор электрон тарзда тузилиб, маъмурий тартиботларда сарфланмадиган вақт ва харажатлар қисқарти-рилади. Қоидабузарликларни кўриб чиқишда ҳодимларнинг фуқаролар билан тўғридан-тўғри мулоқоти, яъни корруп-ция ҳолатларининг олди оли-нади. Энг муҳими, содда-лаштирилган тартиб орқали вақт ва харажат тежаллади.

Тўлқин КАРИМОВ,
Олий Мажлис Қўнунчилик палатаси депутати.

Сенатор ва ҳаёт

МУРОЖААТЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ЧОРАЛАРИ БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Авал хабар берилганидек, айни кунларда сенаторлар жойларга чиқиб, Олий Мажлис Сенатининг ўн еттинчи ялпи мажлисида маъқулланган қонунлар ва кўрилган бошқа масалалар ҳамда кейинги йилларда юртимизда амалга оширилган изчил ислохотлар мазму-моҳиятини аҳолига етказиш ва Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллиги олдидан тарғибот тадбирларини қўйатириш мақсадида урчушувлар ўтказмоқда. Эътиборлики, шу жараёнда аҳолидан келиб тушган мурожаатлар ҳам ўрганилиб, уларда кўтарилган масалаларни ҳал этиш чоралари кўрилаяпти.

Шундай тадбирлардан бири Сенатнинг Маҳаллий ҳокимият ва-киллик органлари фаолиятини ку-чайтиришга қўмақлашувчи комис-сияси раиси Т. Мадумаров ишти-рокида Тошкент шаҳрининг Бектемир тумани ҳокимлигида бўлиб ўтди. Унда халқ депутатла-ри Бектемир ва Учтепа туманлари Кенгашлари депутатлари, туман ҳокимияли мутасаддилари ва аҳоли вакиллари қатнашди.

Таъкидланганидек, “Янги Ўзбе-

Сенатнинг Маҳаллий ҳокимият ва-киллик органлари фаолиятини ку-чайтиришга қўмақлашувчи комис-сияси раиси Т. Мадумаров ишти-рокида Тошкент шаҳрининг Бектемир тумани ҳокимлигида бўлиб ўтди. Унда халқ депутатла-ри Бектемир ва Учтепа туманлари Кенгашлари депутатлари, туман ҳокимияли мутасаддилари ва аҳоли вакиллари қатнашди.

Таъкидланганидек, “Янги Ўзбе-

Қайд этилганидек, ёшлар дунёқарашини шакллантириш, салоҳияти, билими ва қобилиятини юксалтириш давлатимизнинг устувор вазифаларидан бири бўлиб, бу борада салмоқли ишлар рўйбега чиқаришда, аммо қилинадиган ишлар ҳали кўп.

Қайд этилганидек, ёшлар дунёқарашини шакллантириш, са-лоҳияти, билими ва қобилиятини юксалтириш давлатимизнинг ус-тувор вазифаларидан бири бўлиб,

натижалари, кейинги йилларда тадбирларни қандай уюштириш ло-зимлиги юзасидан ҳам фикрлар билдирилиди.

Урчушув доирасида ушбу ту-манлар аҳолиси-дан тушган муро-жаатлар кўриб чиқилди ва уларни ҳал қилиш чоралари белгилаб олинди.

САЙЛАШ ҲУҚУҚИГА ЭГА БАРЧА САЙЛОВЧИЛАРГА ШАРОИТ ЯРАТИЛАДИ

Шу кунларда дунё ҳамжамиятининг диққат-эътибори Ўзбекистонга қаратилган. Чунки мамлакатда муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикасининг Президенти сайлови кампаниясига шарт берилди. Мамлакатнинг кейинги беш йиллик тақдири айнан ушбу сиёсий воқеа билан қамбарчас боғлиқ.

Унда сайлаш ҳуқуқига эга бўлган барча сайловчи номзодларнинг сай-ловолди дастури билан танишган ҳолда ҳеч бир таъсир ва таъйиқлар-сиз ўзи танлаган номзодга овоз бе-риши лозим.

Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида “...Сайловлар умумий, тенг ва тўғри-дан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яши-рин овоз бериш йўли билан ўткази-ладир. Ўзбекистон Республикасининг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар...” деб белгиланган.

Қайд этиш лозимки, сўнгги йил-ларда сайловга оид қўнунчилиқнинг халқроқ стандартларга мос равишда такомиллаштирилиши натижасида Сайлов жараёнини бошқариш ахбо-рот тизими ва Сайловчиларнинг яго-на электрон рўйхати жорий этилди. Хорижда вақтинча яшаб турган меҳ-нат муҳожирилари, талабалар ва бошқа юртдошларимизга сайловда қатнашишлари учун шароитлар ке-нгайтирилди. Озодликдан маҳрум этил-ган, бироқ оғир ва ўта оғир жиноят содир қилмаган маҳкумларга овоз бериш имконияти яратилди.

Бу, албатта, янги Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларининг тўлиқ қафолат-ланиши борасида олиб борилаётган ислохотлардан бири. Ушбу ўзгариш-

ларнинг замирида эса фуқароларнинг ўз халқи ва Ватани келажигига дахл-дорлик ҳиссини уйғотиш каби мақ-садлар номоён.

Ҳозир Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) жазони ижро этиш муассасаларига мониторинг ташрифлари уюштириб, сайлаш ҳуқуқига эга бўлган маҳбус ва маҳкумларга уларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига иштирок этиши тушунтирилмоқда, сай-ловга тайёргарлик жараёнида ин-сон ҳуқуқларининг тўлиқ таъминланиш ҳолатлари ўрганиляпти.

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 5-моддасида суд томонидан муомаларга лаёқатсиз деб то-пилган фуқаролар, шунингдек, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир қилган-лиги учун суднинг ҳукми билан озод-ликдан маҳрум этиш жойларида сақ-ланаётган шахслар сайловда қатнаш-маслиғи белгиланган.

Сайлов кунни 18 ёшга тўлган, қамоқда сақлаш жойларида ушлаб ту-рилган ҳамда қамоққа олинган, шу-нингдек, ижтимоий ҳафви катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жи-ноятлар содир қилганлиги учун суд-нинг ҳукми билан озодликдан маҳ-рум этиш жойларида сақланаётган шахслар эса овоз бериш ҳуқуқига эгадир.

2019 йилда инсонпарварлик та-моили асосида сайлов қўнунчили-га киритилган ушбу янгилик Европа-да хавфсизлик ва ҳамкорлик ташки-лоти (ЕХТТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси-нинг 2014 йилги Парламент сайлов-ларини қузатиш бўйича миссиясининг тавсиясида ҳам белгиланган эди. Аҳамиятлиси, Европанинг қатор де-мократик давлатлари сайлов қўнун-чилигида маҳкумларнинг сайлов ҳуқуқларини чеклаш ҳанузгача сақла-ниб қолган. Ўзбекистон эса халқроқ демократик сайлов тамойилларига асосан, оғир ва ўта оғир жиноятлар-ни содир қилмаган маҳкумларга сайловда иштирок этиш имконияти-ни берди.

Омбудсман сайловга тайёргарлик жараёнида айнан қамоқда сақ

ҲИНДИСТОН — ЎЗБЕКИСТОН: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК, ТАРИХИЙ ДЎСТЛИК, ТОБОРА МУСТАҲКАМЛАНАЁТГАН ҲАМКОРЛИК

Жорий йилнинг 15 август куни Ҳиндистон ўз мустақиллигининг 75 йиллигини нишонлайди. Келаси йили Ҳиндистон ва Ўзбекистон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганига 30 йил тўлади. Икки мамлакат ўртасидаги стратегик алоқалар узок тарихни қамраб олган мустаҳкам асосга эга. Хусусан, Ўзбекистоннинг ва Ҳиндистоннинг айрим қисмлари икки минг йил илгари Кушан империяси таркибига кирган, Самарқанд, Фарғона, Бухоро каби шаҳарлар ва Ҳиндистоннинг турли ҳудудлари ўртасидаги савдо алоқалари туфайли давлатларимиз асрлар давомида цивилизациявий боғлиқликка эга бўлган. Ҳинд сайёҳлари, роҳиблари, расом ва ҳунармандлари Буюк Ипак йўли орқали Ўзбекистоннинг тарихий шаҳарлари — Самарқанд ва Бухоро бўйлаб ҳаракатлангани ҳақида маълумотлар бор.

Сўнгги йилларда икки томонлама алоқалар янада фаоллашди. Бош вазир, жаноб Нарендра Модининг 2015 йил июль ва 2016 йил июнь ойларида Ўзбекистонга, Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил октябрь ва 2019 йил январь ойларида Ҳиндистонга ташрифлари бунда муҳим роль ўйнади. 2020 йилнинг декабрь ойида икки давлат раҳбарлари иштирокида онлайн саммит ўтказилди. Эътилоҳда ўзаро муносабатлар сиёсий ва стратегик масалалар, мудофаа ва хавфсизлик, савдо ва сармоявий, энергетика, қишлоқ ҳўжалиги, илм-фан ва технологиялар, космос, таълим, маданият каби соҳаларда изчил ривожланмоқда.



COVID-19 пандемияси билан боғлиқ мураккаб вазиятда дори-дармонлар, вакциналар, тиббий асбоб-ускуналар етказиб беришда ҳамда ўз фуқароларини қайтаришда мамлакатларимиз яқиндан ҳамкорлик қилди.

Бош вазир Нарендра Модини "Vasudhaiva Kutumbakam" ("Дунё — бир оила") та-

моийли асосида ташки сиёсат олиб боради. Хусусан, у 2020 йил сентябрь ойида БМТга қилган муносабатиди Ҳиндистонда ишлаб чиқарилган вакциналар бошқа мамлакатларга, хусусан, инсониятнинг кам таъминланган қатламларида тақдим этилишини билдирган эди. Бу жараёнда Нарендра Модининг "Қўшнилари — биринчи ўринда" ғояси асосида дастлаб Бутан ва Мальдив орollarига вакциналар етказиб берилди. Кейинчалик Бангладеш, Непаль, Мьянма, Сейшел орollarи ва Марвийки ҳам ушбу рўйхатдан жой олди. Умуман, Ҳиндистон шу пайтгача 90 дан ортик мамлакатларга 60 миллиондан ортик дозадаги вакцинани деярли бегараз тақдим этди.

Ўзбекистон — Марказий Осиёда Ҳиндистоннинг асосий ҳамкори ҳисобланади ва тараққиёт йўлидаги ўзаро манфаатли алоқалар тобора мустаҳкамланмоқда.

Хусусан, Ҳиндистон томонидан тақдир қилинган 1 миллиард АҚШ доллари миқдориди кредит линияси доирасида бир қанча лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ҳузурида Ҳиндистон гранти ёрдамида ташкил этилган Ҳиндистон — Ўзбекистон тадбиркорлигини ривожлантириш маркази, Тошкент ахборот технологиялари университетида ташкил этилган "Жавоҳарлал Неру IT маркази" муваффақиятли фаолият олиб борапти.

Давлатларимиз ўртасидаги 443 миллион АҚШ доллари миқдориди ўзаро савдо ҳажми икки мамлакат саложиятидан анча паст. Шу боис имтиёзли савдо битими ва икки томонлама инвестиция шартномаси юзасидан музокаралар олиб боришмоқда. Айни пайтда минтақавий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш мақсадида

Гужарат — Андижон модели фаолияти ташкил этилган. Савдо ва сармоявий алоқаларни қулайтириш учун иккала томон ушбу моделни бошқа минтақаларда қўллаш устида иш олиб бормоқда.

Қишлоқ ҳўжалиги бўйича қўшма ишчи гуруҳининг тузилиши ҳар иккала мамлакатда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг айрим турларига бозорга чиқиш ҳўқуқини тезлик билан расмийлаштиришга имкон берди. Ҳиндистон Савдо-саноат палаталари федерацияси ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси томонидан мувофиқлаштирилган Ҳиндистон — Ўзбекистон қўшма бизнес форуми "B2B" форматда алмашинуви амалга оширишга ёрдам бермоқда. Ер усти транспорт алоқасини ҳал қилиш учун ҳар икки мамлакат ҳам Чоёҳор портдан кўпроқ фойдаланиш учун Ўзбекистон, Ҳиндистон, Эрон ва Афғонистон қўшма ишчи гуруҳлари доирасида яқиндан ҳамкорлик қилмоқда. Ўзбекистоннинг Шимолий-жанубий ҳалқаро транспорт йўлига қўшилиши Евросиё минтақасидаги алоқаларни қулайтиради.

Сўнгги бир неча йил ичида Ҳиндистон — Ўзбекистон мудофаа ва хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорлик "Дўстлик" деб номланган қўшма ҳарбий машғулотлари ҳамда мудофаа бўйича қўшма ишчи гуруҳининг институционал механизми орқали тез суръатлар билан ривожланди. 2019 йилда Ўзбекистонда ва 2021 йилда Ҳиндистонда терроризмга қарши курашишга бағишланган қўшма ҳарбий машғулотлар ташкил этилди. Ҳиндистон ва Ўзбекистон бир қатор минтақавий хавфсизлик масалалари бўйича умумий нуктаи назарга эга, жумладан, Афғонистондаги вазият, терроризм, гиёҳванд моддалар савдоси қабилар шулар жумласидир. Икки мамлакат Миллий хавфсизлик кенгашлари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказилади.

Ҳиндистон ва Ўзбекистон 2019 йилда Самарқанддан бошланган Афғонистон иштирокидаги ташкил ишлар ва зирлари даражасида "Ҳиндистон — Марказий Осиё" мулоқоти ғоясини ишлаб чиқди. Унинг иккинчи учрашуви 2020 йилда бўлиб ўтди ва икки давлатнинг умумий минтақавий ёндашувини акс эттирди. Давлатларимиз Бирлашган Миллатлар



Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа кўп томонлама форумларда яқиндан ҳамкорлик қилаётди.

Таълим, кадрлар тайёрлаш ва салоҳиятини ошириш соҳасида ҳам алоқалар жадвал ривожланмоқда. Тошкентда Ҳиндистоннинг Амрити, Андижонда эса Шарда университетларининг филиаллари очилди.

Ҳиндистон ҳукуматининг "ИТЕС" дастури бўйича 2400 дан ортик Ўзбекистонлик мутахассислар Ҳиндистондаги нуфузли олийгоҳларда таҳсил олиш имкониятига эга бўлди. Шунингдек, ўзбекистонлик талабаларга ҳар йили Ҳиндистоннинг етакчи олий ўқув юртрларида Ҳиндистон маданий алоқалар кенгаши ("ICCR") томонидан тўланадиган стипендиялар тақдир этилади. 2020 йилда ушбу кенгаш томонидан бошқариладиган Лаъл Баҳодир Шастри



номидаги Ҳинд маданияти марказининг ("LBSCIC") Ўзбекистондаги фаолиятига 25 йил тўлди. Мазкур маданият марказида Ҳинд тили, йога, каток ва табилани ўрганиш мумкин бўлиб, ушбу марказ бутун Ўзбекистон бўйлаб маданий чиқишлар уюштилади. Тошкентдаги бир нечта мактаб ва университетларда Ҳинд тили ўқитилади. Ўзбекистон бўйлаб университетларда IT ускуналари ва китоблар билан жиҳозланган Ҳиндистон ўқув хоналари ташкил этилган.

Ўзбекистонда Ҳинд фильмлари, актёрлари ва қўшиқлари жуда машҳур. Ҳамкорликда фильм суратга олиш, кинофестиваллар ўтказишга катта қизиқиш мавжуд. Ўзбекистонда йога оммалашиб бормоқда. Янги иш бошлаган Ўзбекистон Йога федерациясида йога бўйича дарс берадиган Ҳиндистонлик ўқитувчи фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистондаги кичик, лекин жуда фаол Ҳинд жамияти таълим, IT, фармацевтика, нефть-газ ва туризм каби соҳаларни қамраб олган ҳолда иш юритади.

Ҳиндистон мустақиллигининг 75 йиллиги муносабати билан Ўзбекистонда ҳам бир қанча тадбирлар ўтказилиши режалаштирилган ва улар "Azadi Ka Amrit Mahotsav" ("Мустақиллиқнинг боқий байрами") деб номланади ҳамда 2023 йил 15 августгача давом этади.

Дил изҳорлари

Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
инновацион ривожланиш
вазирли:



— Ҳиндистон Ўзбекистон учун яқин, ишончли ва стратегик ҳамкор бўлиб, икки давлат ўртасидаги алоқалар турли соҳалар доирасида кенгайиб ва ривожланиб келмоқда. Бугунги кунда, айниқса, илм-фан ва инновация соҳаларидаги ҳамкорликка алоҳида урғу берилмоқда. Ҳиндистон дунёдаги инфокоммуникация ва технология йўналишидаги илгор мамлакатлардан бири ҳисобланиб, дастурлаштириш бўйича етакчилик қилади.

Ҳиндистоннинг ушбу имкониятларини истиқболли эканлигини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан Андижон шаҳрида Ҳиндистон компаниялари билан ҳамкорликда йирик кўргазма ташкил этилди. Қишлоқ ҳўжалиги соҳасида фаолият юритувчи бир неча қўшма корхоналар очилди, "ИТЕС" дастури доирасида ўзбекистонлик мутахассисларнинг Ҳиндистонда малака ошириши ташкиллаштирилди, шунингдек, тадқиқотчи ва ёш олимлар учун қўшма илмий лойиҳалар танлови эълон қилинди.

Ҳиндистонлик ҳамкорларимиз билан алоқалар ривожланган экан, бу келгусида Ўзбек ва Ҳинд халқлари ўртасидаги муносабатларнинг янада мустаҳкам бўлишига хизмат қилди ҳамда ҳамкорликда бундан ҳам юқори даражаларга эришиш мумкинлигига ишонаман.

Суръат МИРҚОСИМОВ,
дипломат, Ҳиндшунос олим:



— Бутун Ҳинд халқини мамлакат мустақиллигининг 75 йиллиги билан самимий табриклаймиз.

Мен Калькутта шаҳридаги собиқ Иттифокнинг Бош консуллиги ҳамда элчихонасида турли лавозимларда ва 1993 — 1997 йилларда Ўзбекистоннинг Ҳиндистондаги биринчи элчиси сифатида фаолият юритдим. Бу йиллар мобайнида Ҳиндистоннинг Жамму ва Кашмирдан Кералагача, Маҳараштрадан Гурбат Бенгалигача бўлган деярли барча штатиди бўлиб ҳамда қўллаб-қувватлаш ортирдим.

Шуни таъкидлашга истидимки, Ҳинд халқи мустақиллақчилиги зулмидан халқнинг ҳақиқий сардорди Маҳатма Ганди бошчилигида тинч йўл орқали озод бўлишга эришди.

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорлигини мустаҳкамлаш жараёнига эъ ҳиссамини қўшганидан хурсандим.

Мен Ҳиндистон Республикаси ҳамда Ҳинд халқига порлоқ ва тинч келажак тилайман.

Маниш ПРАБХАТ,
Ҳиндистон Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулдда ва мухтор элчиси:



Ҳиндистон Бош вазир, жаноб Нарендра Модини Ҳиндистон мустақиллигининг 75 йиллигини кенг нишонлашга чақириб, уни "Azadi Ka Amrit Mahotsav" ("Мустақиллиқнинг боқий байрами") дея атади. Бу ҳукуматнинг халқнинг шонли тарихи, маданияти ва ютуқларини нишонлаш ва хотирлаш ташаббусидир.

"Мустақиллиқнинг боқий байрами" 2021 йил 12 мартда байрамдан 75 ҳафта олдин бошланган ва 2023 йилнинг 15 августигача давом этади. У 1930 йилда

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ БОҚИЙ БАЙРАМИ

Авалло, ҳар бир Ҳиндистон фуқаросини ва Ўзбекистондаги Ҳиндистонлик дўстларни мамлакатининг мустақиллигининг 75 йиллиги билан табриклашга ижозат бергайсиз. 1947 йил 15 августда Ҳиндистон мустамлакачилар ҳўкморчилигига қарши қўп йиллик курашдан сўнг мустақилликка эришди. Бу орқали мамлакат демократия, тенглик, қонун устуворлиги асосида ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги янги сафарини бошлади. Шу тарихи тинчлик, барқарорлик, дўстлик ва ҳамкорликка ўз ҳиссасини қўшадиган халқаро ҳамжамиятнинг суверен аъзосига айланди.

Маҳатма Ганди томонидан адолатсизликка қарши халқни руҳлантирган ва Ҳиндистон озодлик курашининг шонли саҳифаларидан бирига айланган машҳур Данди юришининг бир йиллиги муносабати билан очилди. Ушбу байрам нафақат Ҳиндистонни эволюцион сафарига олиб чиқишда, балки Бош вазир Нарендра Модининг "Ҳиндистон 2.0"ни фаолаштириш ҳақидаги ғоясини ишга солишда муҳим роль ўйнаган "Atmanirbhar Bharat" ("Ўзига ишонган Ҳиндистон") ғояси билан таъминланган.

Мустақиллиқнинг боқий байрами қўлидаги мақсадларга эга. Юз йиллик танлов 2047 йили — Ҳиндистон тарихида муҳим

воқеа — Мустақиллиқнинг 100 йиллиги таъинланади. Бу байрам Ҳиндистоннинг тасаввурига, мамлакат ёшларининг иштилошига ва келгуси 25 йил ичида унинг қандай бўлишига қаратилади. Ушбу байрам пайтида Ҳиндистон келгуси 25 йил ичида мамлакат учун йўл кўрсатувчи "Юз йиллик танлов"ни олишга ҳаракат қилади. Ҳиндистон тараққиётини намойиш қилиш — байрам Ҳиндистоннинг 1947 йилдан буюн эришган ютуқларини намойиш этади. Глобал қишқ — байрам бутун дунё бўйлаб, шунингдек, Ҳиндистон диаспораси билан биргаликда нишонланади ва тарғиб қилинади. Ягона Ҳиндистон, аъло

Ҳиндистон — байрам мамлакатнинг турли минтақалари аҳолиси ўртасида ўзаро муносабатларни яхшилаш ва ўзаро тушунишни ривожлантиришга хизмат қилади каби шорлар шулар жумласидандир.

Пандемия пайтида Ҳиндистон оғир вазиятни енгишга қодир эканлигини намойиш этди. Ўз-ўзини таъминлаш, шунингдек, бир нечта корхонага молиявий қўмак бериш ва тадбиркорларни мамлакатда имкон қадар кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга ундайди. Йирик ва тез суръатда ривожланаётган бозор, маҳаллий брендлар, ишлаб чиқариш ва таъминот ҳалқаларининг кенг ёйилиши ушбу мамлакат иқтисодиётига катта туртки беради.

Қадим замонлардан бери Ҳиндлар ўз маданиятини "кишилик маданияти" деб таърифлашган. Бунинг мазмун-моҳияти катта. Ҳинд маданий меросининг асоси шундаки, у динлар, урф-одатлар, эътиқодлар билан уйғунлашган.

Мамлакат иқтисодиётида маҳаллий ишлаб чиқаришга устувор аҳамият берилмоқда. Бу Барқарор ривожланиш мақсадларини инобатга олган ҳолда, бизнеснинг адолатли экотизимини яратишга олиб келади. Бу маҳаллий ҳунармандчилик ва ҳунармандларнинг фаоллиги ошгандан далолат беради.

Ҳиндистон Республикасининг Тошкентдаги элчихонаси "Мустақиллиқнинг боқий байрами" доирасида қўллаб-қувватлашга ўтказмоқда ва улар мунтазам ташкил этиб борилади. Бунда ўзбекистонлик дўстларимиз бизни қўллаб-қувватлаш, фаол қатнашишларини истаймиз, албатта. Зеро, бундай ҳамкорлик икки давлат ўртасидаги дўстлик алоқаларини рағбатлантиради.

Ишончим комилки, Ўзбекистон Ҳиндистоннинг "Мустақиллиқнинг боқий байрами"да муносиб иштирок этади ва байрамни катта муваффақият билан ўтказида.

ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР СОҲАСИДАГИ ЮТУҚЛАР

Фан ва технология сўнгги 75 йил мобайнида мамлакат тараққиётининг ҳар бир ҳабаҳида муҳим роль ўйнади. Бу қишлоқ ҳўжалиги, инфратузилмавий энергетика, саноат, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларида олиб борилган изчил изланишлар ва саноат-ҳаракатлар натижасидир.

Жумладан, "Яшил инқилоб" Ҳиндистонни дон экспорт қилувчи етакчи давлатга айлантирди. Бугунги кунда мамлакат ўз активидан кўпроқ электр энергияси ишлаб чиқаради. Таълим муассасаларининг йирик турмуши, фан, техника, иқтисмоий, гуманитар фанлар, менежмент, санъат ва бошқа қўллаб соҳаларда малакали профессионал кадрлар таъхирасини яратди.

Иқтисмоий-иқтисодий тараққиёт қучли илм-фан ва технология инфратузилмасига боғлиқлигини англаган ҳолда қўллаб фан ва технология институтлари ҳамда марказлари, жумладан, Ҳиндистон технология институти ("IIT"), Ҳиндистон космик тадқиқотлар ташкилоти ("ISRO"), Атом энергияси бошқармаси ("DAE") ташкил қилинди.

Ҳиндистон илмий ютуқларининг сўнгги глобал кўрсаткичларини диққатга сазовордир. У бугунги кунда илмий нашрлар бўйича глобал рейтингда учинчи ўринни эгаллаган ва ҳозирда илмий нашрлар сифати бўйича дунёдаги таниқли ва тан

олинган "SCI" журналида 9-ўринни банд этган. Глобал инновацион индекси ("GII") бўйича дунёдаги энг яхши 50 та инновацион иқтисодиёт орасидан (48-ўрин) жой олган. Сўнғий интелект, астрономия, қўёш энергияси, иқлим тадқиқотлари каби йўналишларда ва глобал вакциналарни тадқиқ қилиш, ишлаб чиқиш ҳамда етказиб беришда етакчи халқаро илмий коалиция аъзоси сифатида домий равишда қатнашиб келмоқда. Яқинда Ҳиндистон Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Ижроия кенгаши раиси этиб сайланди.

1969 йилда ҳинд космик дастурининг меймори доктор Викрам Сарабхай бошчилигида бошланган Ҳинд фазовий саёҳати технология жиҳатдан энг ривожланган космик тизимлардан бири бўлибгина қолмай, энг тежамлиси ҳамдир. Ҳозиргача "ISRO" қаттиқ, сувоқ ва криоген ёнғили ишлатадиган технологияларини ўлаштирган ракета-ларнинг беш тоифасини ишлаб чиқди. Йиллар давомида 51 та муваффақиятли парвоз натижасида "Polar"

йўлдошли ракетаси мамлакатнинг ишончли ва кўп қиррали ишчи ракетасига айланди. У ҳозиргача 342 та хорижий сўнғий йўлдошни учирди. Тихорат услубидаги сўнғий йўлдош учирш ҳудудиди ўз ўрнини топган ҳолда ривожланган космик давлатлар томонидан "ISRO" қучига бўлган ишонч ортди. Шунингдек, "ISRO" кўп қўйариш қобилияти, самарадорлиги ва мураккаблиги билан геосинхрон ишга тушириш машинасини ишлаб чиқди ва учинчи босқичда криогенли ҳаракатланиш технологиясидан фойдаланади. 1975 йилда Ҳиндистоннинг биринчи "Aryabhata" сўнғий йўлдошининг муваффақиятли ишга туширилиши, 2013 йилда Марс сайёрасига ёки "Мангал"га, яъни "Chandrayaan" (Ой сайёрасига) дастури ва "Gaganayaan" миссиясидан кейин Ҳиндистоннинг космик тадқиқотлардаги ютуқлари муваффақиятли тарзда ўсди.

Бу ютуқлар вақт илмида ўчмас из қолдирган доктор А. П. Ж. Абдул Калам каби иқтидорли олимларнинг меҳнатлари самарасидир. "ISRO" орбитада сакизта сўнғий йўлдош билан Ҳиндистон туркумидаги нави-гациони (NavIC) муваффақиятли ишга туширди.

Шунингдек, қайта фойдаланиш мумкин бўлган қайта ишга тушири-

ладиган автотранспорт технологиясини намойишчиси ва овоздан тез ёниш "SCRAMJET" двигателларини муваффақиятли синовдан ўтказган дунёдаги тўртинчи мамлакат бўлди. Қўёш тизимини ўрганиш учун "Chandrayaan III", "Aditya-L1", "Venera" каби миссиялар давом эттирилмоқда. "Қишлоқ ресурслари марказлари", "Телевизион", "Телевизион", "Табийи офатлардан қутқариш" ва "Уй телевидениеси" каби дастурларнинг кенгайиши Ҳинд космик тизимининг жамиятга фойда келтиришдаги ролининг ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

БМТнинг Жануб-Жануб ҳамкорлиги доирасида Ҳиндистон дўст давлатлар учун турли хил малака ва салоҳиятини ошириш дастурларини тақдир қилади. "ИТЕС" дастури доирасида ўзбекистонлик космик технологиялар тадқиқотчилари ва олимлари Ҳинд институтиларида мунтазам равишда малака ошириш дастурларидан ўтқилиб.

Ҳиндистоннинг ядровий салоҳиятидаги ютуқлари 1974 йил май ойида Похарада биринчи тинч ядровий синов билан муваффақиятли намоён бўлди. Доктор Хомид Бҳабха бошчилигида ишлаб чиқилган Ҳиндистон фуқаролик ядровий дастури бугунги кунда қўллаб ютуқларга

эришди. Тадқиқот реакторларидан ташқари "DAE" томонидан 22 та қувват реактори ишга туширилди. Ҳозир улардан фойдаланилмоқда. Шунингдек, Ҳиндистон ва дунёда миллионлаб саратон касаллиқларини даволашда ишлатиладиган радио-фармацевтика воситаларини ва "акли шаҳарлар" учун технологияларни ишлаб чиқиш, ядровий қишлоқ ҳўжалиги, озик-овқат маҳсулотларини сақлаш, фуқаролар фаровонлигини таъминлашда табиатга дўст технологияларни яратиш билан шуғулланади.

Мудофаа технологияси соҳасида "DRDO" турли хил йўналишларда, шу жумладан, илм-фан, илгор ҳисоблаш, уруш симуляцииси ва тренинг учун аэроавиатика жанговар транспорт воситалари, денгиз тизими, ракета-лар, қурулганлиги, электроника, муҳандислик тизими, асбоблар, ахборот тизимлари, махсус материаллар каби замонавий илгор тизимини ишлаб чиқди.

Бугунги кунда Ҳиндистон узок масофали баллистик ракета-ларга эга бўлган дунёдаги еттинчи, маҳаллий баллистик ракета-ларга қарши муҳофафза дастурини яратган бешинчи мамлакат ҳисобланади. "Shakti Mission" — ўзининг космик активларини химоя қилиш учун маҳаллий технологиялардан фойдаланган ҳолда



сўнғий йўлдошга қарши технологияни ишлаб чиққан дунёдаги тўртинчи мамлакатдир. Ҳаводан ҳавога, ердан ҳавога, танкага қарши, бошқариладиган, радиацияга қарши, ҳулас, мудофаа операцияларининг турли сегментларига қарши ракета-лар ва "акли бомба"ларнинг ишлаб чиқарилиши нафақат Ҳиндистоннинг мудофаа қобилиятини оширди, балки унинг халқаро обрўсига катта туртки бўлди.

"DRDO" томонидан ишлаб чиқарилган "Tejas MK1" замонавий жанговар самолётлари шу тоифадаги энг кичиги ва енгилдир. У қичин масофадан туриб ва визуал диапазондан ташқаридаги узок масофали ҳаво ракета-си ҳужумидан химоя қилиш учун кўп режими ҳаво тутиш радарга эга.

Ҳиндистон Антарктидада йил бўйи

фаолият олиб борадиган тадқиқот базаларига эга санокли давлатлар қаторига қиради. Ҳозиргача Ҳиндистоннинг Кутб ва океан тадқиқотлари миллий маркази жанубий қўтбада 41 та илмий экспедицияни муваффақиятли якунлади. Шунингдек, 200 га яқин олимларнинг Арктикага ташрифлари мувофиқлаштирилди. Натижада Арктика бўйича 100 дан ортик илмий нашрлар пайдо бўлди.

Бу муваффақиятлар ҳақиқатан ҳам миллатни гурурлантирса-да, ҳали олдинда қилинадиган ишлар кўп. Мамлакат илмий ҳамжамиятининг роли аниқ — чинакамга "Aatma Nirbhar" (ўзига таянганда)га чиқиш ва бу орқали нафақат Ҳиндистондаги, балки бутун дунё фуқаролари дуч келадиган муаммоларга илмий ва технология ечимларни тақдир қилишдир.

Саҳифа материалларини Фазлиддин АБИЛОВ («Халқ сўзи») тайёрлади.

Реклама хўқуқи асосида

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 848. 32 300 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳо-си келишилган нархда.

Газетани ҳақидаги маълумотларни қўллаб олиш учун QR-қўднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-5